

АДОЛАТ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 28 (833) • 2011 йил, 1 июль, жума

Холислик ва ҳозиржавоблик

матбуотимизнинг ҳаётий шиориға айланиб бормоқда



Муносабат

Анвар АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

“... Ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарға айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда”.

Юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган табригида тилга олинган ушбу сўзларни ҳеч бир муболағасиз XXI аср матбуотининг бугунги қиёфаси қандай бўлиши керак, деган саволға жавоб тарзида қабул қилиш мумкин.

Шиддатли давр, кўз очиб-юмгунча содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар одамлар онига жуда тез таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, матбуот ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Айниқса, демократия никоҳи остида ўз манфаатларини илгари суриш, имкониятлари нисбатан чекланган мамлакатларни ана шу манфаатлар қурбонига айлантириш, жамоатчилик фикрини чалғитишга уриниш ҳолатлари айнан оммавий ахборот воситалари қўли билан амалға оширилмоқдаки, бу ҳам бўлса, огоҳлик — давр талаби эканлигини яна бир бор ёдимизга солади. У ёки бу мамлакатни ёмонотлик қилиш, ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишлар замирида тор манфаатлар ётганини барча бирдек тушуниб етмайпти. Бошқача айтганда, одамлар онгини, дунёқарашини у ёки бу ғоялар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалға оширилаётгани ачинарли ҳолатдир.

Бугун ҳеч бир иккиланишларсиз айтиш мумкинки, жаҳон матбуоти сахнасида ўзбек миллий матбуоти ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Ғоявий қарамликка асосланган матбуот ўрнини Ўзбекистоннинг миллий аъёнлари ва қадриятлари руҳидаги янги, дунёвий матбуот эгалламоқда, дейишга тўла асосларимиз бор. Балки ҳали бу борада ютуқлар, натижалар салмоғи кутилганидек эмасдир. Аммо холислик, теранлик, ҳозиржавоблик матбуотимизнинг ҳаётий шиориға айланиб бораётгани, шунинг ўзи ҳар биримизни қувонтиради. Зеро, журналист деганда, аввало, жамиятимизда, кўз-ўнгимизда кечаётган ўзгаришларни тўғри талқин этиб, воқеа-ҳодисаларни холис шарҳлайдиган, уни одамларга аниқ-тиниқ етказа оладиган муътабар касб эгалари кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки юртдошларимиз биз фаолият юритаётган ОАВни ҳаққўй, адолатли даргоҳ деб тушунадилар ва тан оладилар.

Давоми 6-бетда >>

Баркамол авлод доимий эътиборда

Депутат минбари

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.

Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият табиий замини, ер ости ва ер усти захиралари, дарёю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари каби бойликлари билан қудратли ҳисобланади.

Лекин кўҳна тарих таърибаси жамиятнинг чинакам бойлиги эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-этиқоди бутун, мард ва жасур, маънавияти юксак фарзандлар эканлигидан далолат беради. Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказётган халқ келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ўзбек халқи тарихнинг машаққатли синови ва доволари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига, тилига, динига, миллий қадриятларига завол етказмай сақлаб келмоқда.

Давоми 3-бетда >>



Буюк ипак йўлида “Афросиёб” тезюрар поезди

Ўзбекистоннинг буюк марраси ютуқларидан бири

Фахр

Тошўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
Социология фанлари номзоди,
фахрий темирйўлчи.

Мустақил ривожланиш йилларида юз берган улкан ўзгаришларда мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири — темир йўл транспорти ривожига алоҳида ўрин тутди. Ва бугун фахр билан мамлакатимиз эришган оламшумул ютуқларда “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик компанияси ходимларининг муносиби ва салмоқли улуши ҳам бор, деб мамнуният билан айта оламиз. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган Концепцияда бу санага “тарихимизга кириб келаётган буюк марра” деб таъриф берилди.

Давоми 4-бетда >>

Ёшлар саломатлиги қонун ҳимоясида



Фракция йиғилиши

Илёс САХАТОВ,
«Адолат» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, экспертлар, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этган йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий ҳаётига доир қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Кун тартибидаги биринчи масала — “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси билан иккинчи ўқишда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси И.Самиев таништирди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар, айниқса, 20 ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, мазкур маҳсулотларнинг фуқаролар соғлиғига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш давомида депутатлар томонидан берилган таклифлар инobatта олинган ҳамда ҳозирда лойиҳа 29 та модда ва 5 та бобдан иборат.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди ва зарур таклифлар билдирилди.

— Қонун лойиҳасининг 23-моддасида йигирма ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга ҳамда реализация қилишга жалб этишга қаратилган ҳаракатлар ва уларнинг жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган, — деди фракция аъзоси А.Раҳмонов.

Давоми 2-бетда >>

Ҳақиқат қарор топди

— Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизация ва ислоҳ этиш учун кишиларимиз онгини ўзгартириш, уларни эркин фикрлаш ва ҳар бир ҳодисага мустақил муносабат билдиришга ўргатиш зарур. Бу вазифани амалға ошириш, асосан, оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият олиб бораётган журналистларимиз зиммасига тушади. Ана шундай кўникмани ўзида тўлиқ шакллантирган журналистгина бошқаларни ҳам шунга тайёрлай олади.

2-бет

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

уни таъминлашда ОАВ алоҳида аҳамият касб этади

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизация ва ислоҳ этиш учун кишиларимиз онгини ўзгартириш, уларни эркин фикрлаш ва ҳар бир ҳодисага мустақил муносабат билдиришга ўргатиш зарур. Бу вазифани амалға ошириш, асосан, оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият олиб бораётган журналистларимиз зиммасига тушади. Ана шундай кўникмани ўзида тўлиқ шакллантирган журналистгина бошқаларни ҳам шунга тайёрлай олади.

6-бет

Истиқлол фарзандларининг «олтин»лари

Финалға россиялик, корейлик ва эронлик спортчиларни енгиб чиққан бўлсам, энг оғир кечган ҳал қилувчи учрашувда гонконглик тенгдошимдан устун келдим, — дейди Абдуллоҳ Расулов. — Чемпионлик шохсуласида туриб Ватанимизнинг мадҳияси янграган вақтда орзуларим ушалаётганлигидан бениҳоя шод бўлдим. Ўзбекистоннинг фарзанди эканлигимдан фахрландим. Кўзимда қувонч ёшлари қалқиди.

8-бет

Бугунги Урганч

шаҳарни кўрган киши қалбида юрт жамоли гавдаланади

Ифтихор

Рустам БОЛТАЕВ,
Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Урганч шаҳар кенгаши раиси.

Бугун Республикаимизнинг қай бир шаҳару қишлоғига борманг, кўтаринкилик, хушқайфиятлик, юқори савиядаги бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Каттаю кичик Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан амалға оширилаётган бу каби эзгу саъй-ҳаракатларга бош қўшиб, юртни янада обод этишга интилаётганлиги барчани бирдек мамнун этади.

Давоми 4-бетда >>



Партия ҳаёти

Ёшлар саломатлиги қонун ҳимоясида

« Давом. Боши 1-бетда

— Хусусан, мазкур моддага қўра йигирма ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга ундаш, сотиш ёки олишда қўмаклашиш, уларнинг ушбу турдаги маҳсулотларни реализация қилиш, реклама қилиш ёки тарғиб этишда иштирок этишга йўл қўйиш каби ҳаракатлар йигирма ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга ҳамда реализация қилишга жалб этишдир, деб белгиланган. Ушбу бандлар қаторига йигирма ёшга тўлмаган шахсларни мазкур турдаги маҳсулотларни «ишлаб чиқаришга жалб этиш» деган бандни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ушбу ҳаракат ҳам жавобгарликка тортишга асос бўла олади.

Фракция аъзоси К.Хамидова Вазирлар Маҳкамаси таъминидан ишлаб чиқилган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида ҳам қизгин муҳокама қилинганлиги ва уларнинг фикри ўрганилганлигини таъкидлади. Маърузачи алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарарли оқибатлари, ушбу иллатга қарши курашишдан ҳам оила, ҳам жамият, ҳам давлат манфаатдор эканлиги, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида ушбу қонун лойиҳасини қабул қилишга бўлган эҳтиёжнинг юқори эканлигини инobatта олиб, қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллашни таклиф этди ва лойиҳа депутатлар томонидан маъқулланди.

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун



лоийҳаси ҳам биринчи ўқишда депутатлар диққат марказида бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Меҳнат кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Қизгин муҳокамалар жараёнида депутатларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ва қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Биринчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этилган «Фуқароларнинг давлат пенсия киритиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси билан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси К.Очилов таништирди.

Ушбу қонун лойиҳаси давлат пенсиялари миқдорларини

ни иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда ҳисоблаш тартибини жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31, -32 ва 36-моддаларига ўзгартишлар киритиш кўзда тутилган.

Хусусан, мазкур қонуннинг 36-моддаси кўйидаги тахрирда баён этилмоқда:

«Чет элда ишлаган давр учун иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш».

Чет элда ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинган амалдаги иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси сўғурта бадалларини тўлаган иш ҳақи ҳисобга олинади.»

Молия вазирлиги мутахассислари мазкур ўзгартишга изох берар экан, бу билан чет

элда ишлаётган фуқароларининг ижтимоий ҳимояси таъминлини ҳамда фуқароларга пенсия тайинлашда адолатлилик принципларига риоя этилишида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилишини таъкидлашди. Муҳокамалардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Шунингдек, йўғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилиб, биринчи ўқишда депутатлар муҳокамасига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам аффилича таҳлил этилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Қонун тартибдаги охириги масала «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги яна бир қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг кўрсатилган қонунларга киритилиши улардаги айрим но-мувофиқликларнинг бартараф этилишига ва гаров, ипотека ва суд ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилишга қўмаклашадди, деб белгиланган.

Лекин Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳи қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, таклиф етарли даражада асосланганлиги ва амалий аҳамиятга эга эмас, деган фикрни берган ва уни биринчи ўқишда қабул қилишни рад этишган.

Фракция аъзолари ҳам ўз ўрнида ушбу қонун лойиҳасини аффилича муҳокама қилган ҳолда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси фикрини қўллаб-қувватладилар.

Қонун тартибига киритилган масалалар юзасидан фракция аъзолари ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар, фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сайловолди ташвиқоти

сайлов жараёнларининг энг муҳим босқичи

Конференция

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча демократик принциплар ва халқаро талабларга жавоб берадиган мустаҳкам сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Маълумки, Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Унда сайлов тизимининг такомиллаштиришга доир илгари сурилган қонунчилик ташаббусларидан бири сифатида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунларнинг тегишли моддаларига «Сайловолди ташвиқоти» тушунчасини киритиш таклифи билдирилган эди. Ушбу тушунчанинг киритилиши сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида бўлиб ўтган «Сайлов тизимини такомиллаштириш ва сайловолди ташвиқоти институтининг ташкилий ҳуқуқий асосларини тартибга солиш» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда шундай баъоли қўйилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси мутасаддилари, сиёсий партиялар вакиллари, эксперт ва олимлар, вазирлар ва идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи боққариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институти вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, сайловолди ташвиқоти сайлов жараёнининг энг муҳим босқичи саналиб, унинг ўзига хос аҳамияти

ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ранглар жилосидаги она диёр

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон «Адолат» СДП Юнусобод тумани кенгаши томонидан партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши, туман ҳокимлиги, маънавият тарғибот маркази бўлими, Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда «Ранглар жилосида — она диёр» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигини муносива қутиб олишга тайёргарлик кўриш мақсадида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтказилган мазкур тадбир аҳолининг, айниқса, ёш авлодининг ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, ўтган йиллар мобайнида халқимиз онгига кенчаётган ўзгаришларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бош мезонларидандир, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Исроилов Курбонов. — Бунинг учун албатта, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиб олишлари ва улардан самарали фойдаланишни билиши керак. Шундагина фуқаролик жамияти ривожланиши боради ва Президентимиз таклиф этган Концепцияга қўра мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашиб, фаоллашиб боради. Пировард натижада фуқароларнинг турмуш фаровонлиги янада юксалади.

Ўзгариш билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онг тафаккури, дунёқарши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин яратётганини алоҳида таъкидлашди. Юртимизда тинчлик-осойишталикнинг таъминлангани, изчил ислохотлар тўғрисидаги ижтимоий, иқтисодий барқарорликка эришилгани, инсон манфаатларининг ҳимояси қароқатлангани, умуман олганда, инсон инсондек яшашини учун барча шарт-шароит ва имконият яратилгани қайд этилди. Буни, албатта мазкур тадбир иштирокчилари — туманда истиқомат қилаётган ижодкор-рассом ёшлар ҳам ўзи чизган суратларида баҳоли қудрат акс эттирган. Тадбир доирасида ташкил этилган расмлар кўргазмасини кузатган киши ёш ижодкорларнинг мустақиллик, тинчлик-осойишталик, барқарорлик, тарққиёт деган тушунчаларни назарда тутиб, англашга ишонч ҳосил қилади. Шунингдек, аксарият ёш бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова, Ўзбекистон тарихи давлат музейи раҳбари, тарих фанлари номзоди Жаннат Исмоилова ва бошқалар мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, мақсадларимиз

Ҳақиқат қарор топди

Жамоатчилик назорати

Турсун МАҲМАДАНИЕВ,
журналист.

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган дастурий маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим вазифалар сирасига айланмоқда. Жумладан, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмаклашмоқда. Уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга бўлган интилишлари тобора фаол тус олмақда.

Бу жараёнлар шубҳасиз, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис, Ўзбекистон «Адолат» СДП давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини изчил амалга ошириб бориш тизимида ўзига хос йўлни танлаган.

Партиянинг Сурхондарё вилояти Кенгаши жамоатчилик назоратига Денов шаҳар Қўзи Каримов кўчаси, 115-уйда ўн саккиз йилдан беш доимий яшаб келаётган қўзи ожиз, биринчи гуруҳ ногирони Файзулло

ло Шохўжаев номидан ариза келиб тушди. Шикоят аризанинг мазмун ва мақсади чуқур ўрганиб чиқилди. Унда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари пайсалга солиниб келинаётгани баён этилганди.

Шикоят аризани ўрганиш жараёнида унга дахлдор ташкилотлар, суд ижрочилари, маҳалла оқсоқолларининг фикрлари тўла ҳисобга олинди. Маълум бўлишича, даъвогар Файзулло Шохўжаев Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига ариза би-

лан мурожаат қилиб, жавобгар Гулхан Ибрагимовани оила-аъзолари билан Қ.Каримов кўчаси 115-уйдан мажбурий тартибда кўчириш ва ўзини оила-аъзолари билан кўчириб кетишни сўраган. Суд барча жараёнларни пухта ўрганиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирди ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилди. Бу қарор ФИБнинг вилоят суди инстанцияларида маъқулланди.

Изоҳ: Файзулло Хўжаев уйни сотиш фикрига келди. Қўшниси Гулхан Ибрагимова харидор бўлиб, уйни 13 миллион 400 минг сўмга нархлашди. Гулхан Ибрагимова пулини тижорат ишларига ишлатиб қўйгани сабабли пулни бир ой кечикиб бериши ва ун-гача уйни бўшатилишини сўрайди. Файзулло йўқ демасдан турмуш ўртоғи (иккинчи гуруҳ ногирони) ва 4 нафар фарзандини олиб уйни Г.Ибрагимовага бўшатиб беради ва оиласи билан акиси Баҳром Шохўжаевнинг уйида (уйнинг пулини олгунга қадар) яшаб турадиган бўлади. Орадан бир, икки ва уч ой ҳам ўтадики, Файзулло олувчидан уй пулини ололмади. Сўнг Г.Ибрагимовага уйни сотмаслигини, уйни қайта бўшатиб беришлигини сўрайди. У эса тўнани тескари кийиб олади ва...

...Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди даъвогар ва жавобгарларнинг

фаолиятини тафтиш қилиб, ҳуқуқ қилади: мазкур уй Файзуллонинг отасидан мерос қолган бўлиб, қонун талаблари бўйича уй унга тегишли. Судьяга бу шубҳа туғдирмади. Аммо уй олди-сотди келишуви амалга оширилганда (ҳар икки ўртада) шартноманинг ёзма шакли ва пул олди-бердиси ҳақида тилхатлар мавжуд эмасди. Боз устига уй савдоси чоғида пул олди-бердисини ҳеч кимса ўз кўзи билан кўрмаганди. Бундай шароитда миш-мишларга асосланиб, қонуний тўхтамага келиш адолатдан эмасди. Судья ишни таҳлил қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 112-моддаси, 2-қисминини қўллаб, ҳақ қарор ўқиди. Бироқ орадан беш йил ўтган бўлса-да қарши даъво аризалар ёзиллавериб, ниҳоят сўнги тўхтама келинди... Бунда партиянинг жамоатчилик назорати ўз кучини кўрсатди. Шу йилнинг июль ойида суд қарори ижроси таъминланиб, Файзулло Шохўжаев оила аъзолари билан қадрдон хонадонларига кўчиб киришди.

— Ҳақиқат қарор топшини оила-аъзоларимиз билан узок кутдик, — дейди Файзулло Шохўжаев. — Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг туман кенгашига мурожаат қилдим. Партия фаолларининг жамоатчилик назоратини ўрнатиб, мутасадди идора ва муассасалар ва-

киллари билан саъй-ҳаракатлари туфайли, ўз уйимизга кўчиб киришимизга ҳуқуқ берувчи Суд қарори ижроси тезлашди. Қисқаси, «Адолат»чилар аралашуви билан адолат тантана қилди...

— Партияимизнинг сайловолди дастуридан ўрин олган «Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш» номли бобига жамоатчилик текширувини ўтказиш, биринчи навбатда туман, шаҳар миқёсида жамоат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари қўйилган. Қолаверса, партиянинг мақсади — адолат гоёси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бош мезонларидандир, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Исроилов Курбонов. — Бунинг учун албатта, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиб олишлари ва улардан самарали фойдаланишни билиши керак. Шундагина фуқаролик жамияти ривожланиши боради ва Президентимиз таклиф этган Концепцияга қўра мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашиб, фаоллашиб боради. Пировард натижада фуқароларнинг турмуш фаровонлиги янада юксалади.

“Учинчи сектор”

деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш энг устувор вазифалар қаторида белгиланганлиги тасодифий эмас

Нуқтаи назар

Фарида САИФНАЗАРОВА,
Тошкент давлат аграр университети доценти, фалсафа фанлари номзода.

Ўзбекистон Республикасида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантириш стратегик мақсадлардан бири этиб белгиланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари нафақат фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган институтлар ҳисобланади. Фуқаролик жамияти институтларининг мақсад ва вазифалари мамлакатимизда демократик кадрлар ва таъминотлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида демократик ҳуқуқий давлат, адолатли ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий принциплари мустақкамлаб қўйилди. Мамлакатини демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кўнайтириш, уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятларини ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва бошқа бир қатор ташкилотлардан иборат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг яхлит тизими шаклланди ва ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш энг устувор вазифалар қаторида белгиланганлиги тасодифий эмас. Уларни демократлаштириш, очик ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш бўйича белгилаб олинган стратегик мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувват-

лаш ва шу каби катта ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш берадиган қонун ҳужжатларини тизимли тақомиллаштиришни талаб этади.

Концепцияда шу мақсадда, жумладан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиш назарда тутилган. Ушбу қонундан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларини дақиқ чегараларни белгилаш, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар ўрин олади.

Мамлакатимизда кенг фаолият олиб бораётган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари орасида маҳалла алоҳида ўринга эга. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули мустақиллик йилларида тобора тақомиллашиб бормоқда, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда маҳалла ҳақиқий демократик ўзини ўзи бошқариш органига айланди.

“Маҳалла бошқарувида бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради, — деб қайд этган Президентимиз Ислоҳ Каримов. — Аини пайтда у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойилнинг ама-

лий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустақкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқчи ташкил этилган. Уларнинг кенг қиррали фаолиятида, айниқса, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатишдаги роли жуда муҳимдир. Қўмакка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашда маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиклик ва ошкоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтиришга ҳизмат қилмоқда.

Бу ўринда давлатнинг ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари билан аҳолининг деярли барча қатламлари қамраб олинганлигини таъкидлаш керак. Қонунчиликда ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ва оилаларга қарийб 30 турдаги нафақа ва имтиёзлар берилиши кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ бўлди. Хар йили Давлат бюджетидан катта маблағ ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланаётган 2011 йилда ижтимоий мақсадлар учун хар қанчонгидан кўп — Давлат бюджетига барча қарорларнинг салкам 60 фоизи йўналтирилган. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсиянер ва ногиронларни ижтимоий

ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжатда аҳолининг бу тоифаларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, айниқса, даволаш ва соғломлаштиришни тақомиллаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация чораларини ва дератология ёрдамни кучайтириш белгилаб қўйилди.

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни молиялаш учун ижрочилар билан бирга ҳомийлар маблағларини кенг жалб қилиш назарда тутилган. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига янада масъулиятли вазифалар юкланмоқда.

Бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро қалин муносабатларини таъминлашни талаб этмоқда. Шунинг учун Концепцияда

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган. Бундан маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш мақсади қўзланган.

Бугун республикамиз аҳолиси электрон тўлов ва тижорат тизимининг афзалликлари ҳақида етарлича тасаввурга эга. Чунки бу тизим иқтисодиётимизга кириб келганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, қисқа фурсат ичида босқичма-босқич тизимли амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг раванга топишида, соғлом рақобат муҳитини мустақкамлашда, иқтисодий барқарорликни таъминлашда ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Қолаверса, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тўлов операцияларини тез сифатли амалга ошириш, географик жойлашувидан қатъи назар, дунёнинг исталган еридан ҳамкор топиш, маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда муҳим омил эканлиги амалиётда ўз тасдиғини топмоқда.

Электрон тўлов: қулай ва замонавий тизим

Депутат минбари

Раъно ГАЙМОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.



Мамлакатимизда соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга кенг жорий қилиш, автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш, электрон тўлов ва электрон рақамли имзо каби йўналишлар тараққиёти учун меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Валзирлар Маҳкамасининг “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори фикри-мизнинг ёрқин далилидир.

қатор жиҳатларга эътиборни кучайтириш лозим. Чунки, замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари аҳамияти жамият ҳаётида йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу боис, интернет тармоғи орқали интерфаол хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатлари ийобатга олиниши лозим. Бундан ташқари, электрон тўлов тизими самарадорлигини оширишда инновация дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, хар бир оилани компьютерлаштиришга эришиш зарур.

Электрон тўлов ва тижорат тизими ҳақида гап кетганда банк пластик карточкалари афзалликлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз деб ўйлайман. Бугун дунёда банк пластик карточкалари орқали бажариладиган нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланишни нақд пулга бўлган талабни камайтиради, улар айланганини тезлаштиради, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради.

Мамлакатимизда ҳам пластик карточкалар бугунги кунда энг қулай тўлов воситасига айланди. Қай бир хизмат кўрсатиш шохобчаси бўлмайлик, одамлар қўлида пластик карточкаларни кўрасиз. Улар бундай жойларда ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз осонгина савдони амалга оширишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси асосида жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётган.

Қувонарлиси шундаки, фуқароларимиз пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш афзалликлари билан қўллаб-қувватлашга қаратилаётганлигидан мамнун. Бу сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларда ҳам ўзининг яққол иш-ботини топмоқда.

Шу боис интернет тармоғи орқали интерфаол хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатлари ийобатга олиниши лозим. Бундан ташқари, электрон тўлов тизими самарадорлигини оширишда инновация дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, хар бир оилани компьютерлаштиришга эришиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқди. 2010 йили дунё ёшлари орасида ишсизлар сонининг 13 фоиздан ошгани дунё иқтисодиётини синашда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида энг кўп азият чекаётганлар орасида ҳали ҳаётда ўз ўрнини топиб улгурмаган ёшларнинг кўпайиб бораётгани ташвишланарли ҳолатдир. Ана шундай бир вазиятда Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли ҳам ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш имконияти бекиёс кенгайди. Янги, замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлар, банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар эртанги кун эгаларининг мустақкам оёққа туриб олишларига имкон беради. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурига бугун бошли бир мамлакатнинг йиллик бюджети миқдорида маблағ сарфлангани ҳам шубҳасиз, тинчлик, хотиржамлик ва 20 йил аввал тўғри танланган йўл билан боғлиқдир.

Ваҳоланки, «қизил империя»дан мустақил Ўзбекистонга ҳам улкан ва оғир муаммолар мерос бўлиб ўтганини бир дақиқа бўлсин ёддан чиқармаслик керак. Бизга эски тузумдан пахта яққақимлиги, захарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқлардаги ачинарли аҳвол, мураккаб демография вазияти, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни хал қиладиган масалалар гоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлаганини таъкидламаса ҳам бўлади.

Шукурки, олиб бориладиган оқилона ички ва ташқи сиёсат, мамлакатни демократлаштириш бўйича таллаб олинган моделнинг ҳаётий таълими ташкил этаётгани ёшлар масаласи энг устувор вазифа бўлиб қолаётганининг яна бир далолатидир.

Баркамол авлод доимий эътиборда


« Давоми. Бош 1-бетда

Бугун глобаллашув деб аталмиш шиддатли жараёнлар кечаётган, поёни кўринмаётган иқтисодий ва молиявий тушунлик давом этаётган, атрофимизда хавфли можаролар рўй бериб турган, турли «маданиятлар экспансияси» буй кўрсатиб турган бир пайтда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни воёга етказиш масаласи Ўзбекистон учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ҳукумат сиёсатининг диққат марказида турганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли бўларди.

Баркамол авлод тарбиясига кеча ёки бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Аини масала мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг маъно-мазмунига айланган, десак янглишмаган бўламиз. Хўш, нега келгуси авлод тарбиясига бундай улкан аҳамият ва эътибор берилмоқда, нега Президентимиз хар бир нуқта, хар бир маърузасида ёшлар мавзусига алоҳида эътибор қаратмоқда?

Негаки, олдимизда турган энг эзгу мақсадлар — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсонлар бўлиб воёга етишига боғлиқдир.

Давлатимиз хавфсизлигини таъминлашнинг асоси — мамлакатимиз ёшлари. Ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчилари, деб кўп гапираримиз. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги юзасинан амалга ошиши, давла-



тимизнинг келажақда барқарор бўлиши ҳам ёшларимиз қандай шаклланишига бевосита боғлиқ. Иморатнинг мустақкамлиги унинг пойдеворида боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик умрбоқий туради. Заиф пойдевор устига қурилган хар қандай мухташам бино ҳам бир марта бўрон турса бас, ўша захоти кулаб тушади.

Мамлакатимиз пойдевори эса шубҳасиз, аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ташкил этган ёшлардир. Дунёда биринчи бўлиб Соғлом авлод орденининг таъсис этилгани, шу номда маҳсус халқаро жамғарма тузилгани, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрда имзолаган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам маъна, ҳам жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдаги муҳим қадамлардан бўлганлиги таъкидлаш керакки, пахта майдонларини камайтириш ҳисобига шахсий ёрдамчи ҳўжаликларни ва деҳқон (фермер) ҳўжаликларини янада ривожлантириш сиёсати ҳам аслида кишлоқлар-

даги оилаларнинг моддий аҳолини яхшилаш, униб келаётган авлоднинг илгини мустақкамлашга қаратилган.

Ёдингизда бўлса, 1989 йилдаёқ 720 минг гектарга яқин умумдор ерлар деҳқонларга мукддатсиз шахсий фойдаланиш учун топширилди. 1991 йилда эса бу ерларнинг умумий майдони икки баравар кўпайди. Бир қатор вилоятларда хар бир оиланинг тошморқаси 0,25 гектардан ошиб кетди. Бу республикадаги ҳосилдор ернинг қарийб 20 фоизи демакдир. Аини қарор одатда 5-7 нафардан фарзанди бўлган кишлоқ оилаларига озиқ-овқат ва моддий муаммоларни ечишда сезиларли даражада ёрдам берди. Буларнинг барчаси бозор муносабатлари вужудга келаётган мураккаб даврда катта мадад, барқарорлаштирувчи омил вазифасини ўтади.

Аммо афсуски, ер юзининг қўллаб қайноқ нукталарида фарзандлар камолини таъминлашдек муқаддас бурч унутилапти. Илмга чанқоқ мурғаклар учун мактаб эшиклари ёпилмоқда. Тиббий ёрдамга муҳтож гўдақлар сони тобора ортиб борапти. Ривожла-

Ислоҳот


Буюк ипак йўлида “Афросиёб” тезюрар поезди

Ўзбекистоннинг буюк марраси ютуқларидан бири

« Давоми. Боши 1-бетда

Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутган, ҳар йили энг улуг, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган Ватанмиз Мустақиллигининг 20 йиллиги буюк марра муносабати билан ўтган даврда қандай ютуқларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни бугун баҳолайдиган бўлсак, 1991 йил ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон “Ўзбек модели” деб ном олган ва эндиликда бутун жаҳон ҳамжамияти эътирофи эътиборини ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Юртбошимиз раҳнамолигида бу йўлдан огишмай, қатъият билан, дадил, олға юриб, ўтган давр ичида ижтимоий-сиёсий ҳаётда асрларга татигулик ўзгаришларга эришолдик. Таъкидлаш жоиз, ҳали бирор давлат шунчалик қисқа муддатда бундай ютуқларга муяссар бўлмаган десак, янглишмаган бўламиз.

Маълумки, давлатимиз истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ халқро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирлар бөлгилаб олинди. Ана шу йўналишдаги вазифаларга алоҳида тўхталиб, Юртбошимиз шундай деган эди: “...транспорт коммуникацияларини инвестициялаш қиммат турадиган ва кам фойда келтирадиган бизнес эканлигини жуда яхши тушунамиз. Шунга қарамай, Ўзбекистон ўз манбалари ҳисобидан иккита йирик ва стратегик муҳим темир йўл магистраллини: узунлиги 342 километр бўлган Навоий — Учкудук — Султон Увайс — Нукус ҳамда узунлиги 223 километр бўлган Ғузор — Бойсун — Кумқўрган магистралли қурилишини, шунингдек, Ангрэн — Кўкөн автомобиль йўлини қайта таъмирлашни бошлаб юборди. Уларни фойдаланишга топшириш нафақат табиий минералларнинг бениҳоя бой захираларига йўл очиб, республика ичида транспорт қатновини арзонлаштириш имконини беради ва балки денгиз бандаргоҳларига, халқро транспорт коммуникацияларига чиқинни ҳам таъминлайди”.



Узоқни кўзлаб бошланган ана шу иш бугун ўз самарасини бериб, иқтисодиётимизни юксалтиришга бениҳоя, улугвор ҳисса қўшмоқда. Ҳўш, бу ўзгаришлар нималарда кўрилади? Бу даставвал давлатимиз раҳбари 1994 йил 7 ноябрдаги Фармонида “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси олдида мамлакатнинг йўловчи ва халқ хўжалиги юқларини ташишга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласини қўйганида намоён бўлади. Зеро, ўша кезларда бундай масъулиятли вазифа тармоқ тизимини тўздан ислоҳ қилиш, уни халқро талаблар даражасига чиқаришни тақозо этарди. Бу ўта мураккаб, катта техник ва технологик тузилмавий ечимлар билан боғлиқ тадбирлар мамлакат ҳукуматининг бевосита ёрдамисиз ҳал этилиши мушкул эди. Шу боис, Юртбошимиз иқтисодиётимиз артериаси — темир йўл тармоғини истиклолнинг илк кезлариданоқ қўллаб-қувватлади. Унинг жаҳон темир йўл тармоқлари билан бевосита ҳамкорлигини йўлга қўйиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, хорижий инвестицияларни тармоққа жалб этиш, ҳаракат таркиби базасини мустаҳкамлаш сингари вазифаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий-меъёрий база яратишга давват қилди. Айни кезде мамлакатимизнинг ягона миллий темир йўл транспорти тизимини барпо этиш вазифасини қўйди.

2004 йил 12 мартда Хоразм вилояти Хазорасп ту-

мани худудда Амударё узра узунлиги 681 метрлик маҳобатли автомобиль-темир йўл кўприги ишга туширилиши катта тантанга айланди. Жанубда “Аср қурилиши” номи билан узунлиги 223 км. бўлган Тошғузар — Бойсун — Кумқўрган темир йўли барпо этилди. Натичада темир йўлимиз умумий узунлиги 6 минг километрдан ошди. Бу ишларнинг мантқиқий ва амалий давоми тарзида бугунги кунда яна ҳам янги темир йўллар инфратузилмаси яратилмоқда. Янгиер — Жиззах участкасида икки йўналишли ва Янгиер — Фархад участкасида бир йўналишли электрлаштирилган темир йўл қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Шу тариқа “Ўзбекистон темир йўллари” компаниясининг янги темир йўллар қуриш босқисиди бой тажрибаси, салоҳияти рўй-рост халқро миқёсда эътироф этила бошланди. Қурилиши 2010 йилнинг январь ойида бошланиб ниҳоясига муқаддасдан илгари етказилган Афғонистон Ислоҳ Республикаси тарихидаги 75 километр узунлигидаги биринчи — Хайратон — Мозори Шариф темир йўлининг фойдаланишга топширилиши бунинг яққол далили бўлди. Ушбу йўл эндиликда мамлакатимиз орқали Афғонистон замини учун мўлжалланган транзит юқлар ташиш ҳажминини оширишга хизмат қилади. Яъни ушбу давлат орқали Осиёни Европа билан боғловчи қиъталаро магистралнинг муҳим бўғини бўлиб қолади.

Бу эса истиклолимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг

фидойилик, бунёдкорлик салоҳияти қандай мўъжизаларга қодир эканлигини ҳаётнинг ўзи қайта ва қайта исботлаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда олдимизда йўловчи ташиш локомтивлари паркинни янгиллаш, юқ ташиш локомтивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш, қайта тиклаш, темир йўлларни модернизациялаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни янада жадаллаштириш вазифалари турибди. Шулар қаторида Испаниянинг “Талго” компанияси билан ҳамкорликда Тошкент — Самарқанд темир йўл участкасида Урта Осиёда биринчи бор бунёд этиладиган тезюрар темир йўл магистраллини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишлари белгиланган муқаддасдан яқунлини жуда катта моҳият касб этади. Тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан битилишига арзиғулик ўта катта тезликда қатнайдиغان ва тарихий атама билан номланган “Афросиёб” тезюрар электродевлари Тошкент ҳамда қадимий Самарқандни боғлабгина қолмай, йўловчилар учун қулайлиги жиҳатидан жаҳон андозаларига ўла жавоб беради. Бундай тезюрар поездларнинг мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлимизнинг 20 йили давомидаёқ пайдо бўлиши давлатимиз раҳбарини таъриф берган Буюк маршранинг чинакам самараси, албатта.

Тезюрар поездлар, таъбир жоиз бўлса, аср мўъжизаси. У замонавий, юқори қувватли техника бўлиб, ҳозир жаҳоннинг фақат энг илгор давлат-

лари темир йўлларида қатнамоқда, холос. Тан олиш керак, саноти ривожланган 27 та давлатни ўзида жамлаган Европа Иттифоқиға аъзо давлатларнинг ҳаммаси ҳам бундай имкониятга эға эмас. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги аксарият давлатлари эса гапирмаса ҳам бўлади. Бундай ютуқ шубҳасиз, элим деб, юртим деб яшашнинг, Ватанимиз ободлиги ва фаровонлиги учун қилинган буюк меҳнат ва кўрсатилган бемисл шижоатнинг маҳобатли ҳайкалидир. Юртбошимизнинг дадил саъй-ҳаракати билан мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллиги арафасида қатнови ташкиллаштирилётган тезюрар поездимиз сафарни раво бўлиши, шубҳасиз.

Шубҳасиз, темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш бўйича юқсак мақсад, вазифа ва режаларнинг узлуқсиз амалга ошириб борилиши тараққиётнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Ватанимиз қудратига қудрат қўшади, ҳаёт ободлиги ва турмуш фаровонлигини юқсалтиради, кўзлаган олий мақсадларимизга бизни торабора яқинлаштиради.

Президентимиз “юқсак маънавият — энгилмас куч” асарини даъво қўйилган вазифаларни, барча олижаноб орзуниятларимизни амалга оширишнинг ягона шартини, гаровини ҳам аввало, юртимизда тинчлик ва осийшталликни асраб авайлашдир.

Бугунги Урганч

шаҳарни кўрган киши қалбида юрт жамоли гавдаланади

« Давоми. Боши 1-бетда

Бундай хайрли ташаббуслар Хоразм вилояти маркази — Урганч шаҳрида ҳам яққол кўзга ташланади. Сўнгги йилларда шаҳарда бунёд этилган янги санот корхоналари, маҳобатли таълим муассасалари-ю маъмурий ва турар-жой бинолари, боғу бўстонларида шаҳар аҳлининг орзу-умидлари, хоҳиш-интилишлари ифодасини кўриш мумкин. Айниқса, муқаддас Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган шаҳар аҳлининг фахру ифтихори рамизи — шаҳарнинг марказий майдони кўнгилларға ажиб бир туйғу жўш урдиради, қалбларни нурафон эттиради.

Она диёримиз истиклол айёми олдидан “Сен буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шiori остида шаҳарда улкан миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётганлиги замирида халқимиз турмуши, фаровон ҳаёти учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, юртимизни янада обод масканға айлантириш бош мезон эканлигини ахли Урганч янада теран ҳис қилиб турибди.

Тобора гавжумлашаётган ва машиналар сони ортаётган Урганч шаҳрининг илгариги тор кўчалари ўрнини кенг ва раво, замон талабларига жавоб берадиган йўллар, йўл бўйидаги пастқам бинолар ўрнида янги ва муқташам, миллийлигимиз ва ўзлигимизга хос турар-жой бинолари, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда. Бу эса шаҳар инфратузилмасини янада гўзаллаштирмоқда.

Хусусан, шаҳар марказидаги Ал-Хоразмий шoҳ кўчасида кенг кўламдаги қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Мазкур кўчада “Миллийбанк” Урганч филиали, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали ва бошқаруни дунёға ёйишни дилларига жо этмоқда. Буюк бобобирини бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ўзбекистон, Паҳлавон Маҳмуд сингари кўчаларда ҳам кенг миқёсда ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб боришмоқда. “Урганч” халқро аэропорти билан муқташам вокзални бир-бириға туташтирувчи йўлда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг марказий деҳқон бозори эса янгидан қурилди. Айни вақтда шаҳарда барча қулайликларға эға янги буюм бозори барпо этилмоқда...

Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилояти Урганч шаҳар кенгаши фаоллари ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун шаҳарда олиб борилаётган кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан четда туришгани йўқ. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашға рағбат қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Маз-

кур қарор асосида тасдиқланган Дастурда назарда тутилган вазифаларни амалға ошириш, халқимизға хос барикенглик, ўзаро ҳамжихатлик, саҳоватлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юқсалтириш, умумхалқ байрами арафасида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва тозалаш, вилоятдаги санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш сингари ишларда фаол иштирок этишмоқда. Маҳаллий Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ташаббуси билан қатор хайрия ҳашарлари уюштирилиб келинмоқда.

Эл ишиға камарбаста партия фаоллари ҳашарларда аҳоли турар-жой мавзеларида, маҳаллаларда дарактларни оқлаш ва шакл бериш, кўча ва йўлақларни текислаш ва тартибға келтириш, турфа хил гул кўчатларини ўтқазиш, қурилиш ва маиший чикиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва чиқариб ташлаш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда. Кўпқаватли бинолар, гузарлар, жиёбонлар, зиёратгоҳлар ҳамда қабристонлар атрофи кўкаламзорлаштирилиб, ариқ-зовурлар, оқова сув тизими ҳамда қудқлар тозаланмоқда.

Бугун Урганч халқи истиклол яратган имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Бунинг биринчи шаҳарда тадбиркорлик тобора ривожланиб бораётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Шаҳардаги давлат рўйхатидадан ўтган корхоналар сони 3799 тани ташкил этгани-ю, уларнинг 82,6 фоизи кичик бизнес субъектлари эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мустақиллик йилларида шаҳарда йигирмага яқин мактаблар, коллежу лицейлар янгидан бунёд этилди. Бу мактабларда ёшларға замонавий асосда пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ешлар бунга жавобан юртимиз доврағини дунёға ёйишни дилларига жо этмоқда. Буюк бобобирини бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ўзбекистон, Паҳлавон Маҳмуд сингари кўчаларда ҳам кенг миқёсда ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб боришмоқда. “Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигиға 20 туп даракт — меннинг туҳфам” шiori остида шаҳарни кўкаламзорлаштириш тадбирларида фаол қатнашди. Шаҳарда бир миллион тупға яқин даракт экилди. Бу хайрли ишда “Еш адолатчилар” аъзоларининг ҳам хиссалари борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги Урганч киши қалбида юрт жамоли гавдаланади. Она Ватанға муҳаббат, истиклолга бўлган садоқат туйғулари жўш уради. Шу боиски, урганчликлар истиклол шодиевалари олдидан ўз шаҳарларини янада янгиға ва янада кўркам қиёфада, обод ва ораста қўриш иштиёқида ёниб яшамоқда. Булар сафида эса Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзолари ҳам борлиги барчамизни мамнун этади. Зотан, бу мустақиллигимизнинг қутлуг 20 йиллигиға муносиб тўёнамиздир.

Истиклол фахру гуруримиз, виждон ва иймонимиздир

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ, сиёсий шарҳловчи.

Гарчи 20 йил тарих учун нисбатан қисқа давр бўлса-да, мамлакатимиз ана шу муқаддас асрларға татигулик йўлини босиб ўтди. Салкам 3000 йиллик кўҳна тарихға эға бўлган юртимиз 1991 йилнинг 31 августига келиб янги бир даврга қадам ташлади ва бунда буюк аждодларимизнинг, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг асрий орзулари ҳам ушалди.

Мустақиллик бу энг биринчи навбатда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир, халқимизнинг ўз танлаган йўли асосида умрғузaronлик қилиш имкониятидир. Миллий гурурини, тафаккурини уйғотадиган, халқини халқ, миллатни миллат қиладиган мустақилликдир. Халқимиз бугунги кунда тенглар ичра тенглиги билан фахрланиб яшапти. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Биз ҳеч кимдан кам эмас-

миз ва кам бўлмаймиз ҳам”. Мустақиллик инсон қадрини баланд кўтариш, унинг манфатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя яратишдир. Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий (инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими барпо этилди), ташкилий (инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди), маънавий-мафкуравий (инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тизими шаклланди) ва

халқро ҳуқуқий асослари (инсон ҳуқуқлари бўйича халқро ҳамкорлик, халқро шартномаларға қўшилиш ва халқро мажбуриятларни бажариш тизими яратилди)нинг яратилиши мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берибди.

Мустақиллик шундай бир қадриятки, у инсонға ўзини, ўз юртини, давлатини, халқини фаровонликка, ёруғ кунларға етказиш ҳуқуқини ва маъсулиятини беради. Айниқса, мустақиллик маъсулиятини ҳар бири-мизнинг юрт тақдирини, мамлакатимизда кечаётган жараёнларға, рўй бераётган барча воқеаларға тўғридан-тўғри дахлдор эканлигини англаб етишдир.

Бугунги куннинг кенг қамровли ислоҳотларидан кўзда тутилган мақсад битта, у ҳам бўлса, мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолиға муносиб турмуш шароити яратиш иборат.

Ўтган 20 йил давомида иқтисодий ўсишнинг илдам суръатларига эришилди, улкан бунёдкорлик ишлари амалға оширилди, кўприқлар қурилди, янгидан-янги турар-жой бинолари фойдаланишға топширилди. Давр талаблари даражасида барпо этилаётган яққол юқурлар — мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган кўлаб шифохоналари кўриб кўз қувнайди. Шаҳар ва қишлоқларимиз жамолиға божиб тўймайди қиши. Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, “Маънавий ҳаётимизнинг янада юқсалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бугун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда. Шу борада улуг аждодларимизнинг бебаҳо маданият ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётға қайтариш билан бирға ҳаётимизни замоннинг энг илгор

ютуғ ва мезонлари билан бойитиш, қомил инсон, баркамол авлодни вояға етказиш, таълим-тарбия ишини муғлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизға ҳурмат-эҳтиром — фаолиятимизнинг маъно-маъмунини белгилаб келмоқда...”

Мустақиллик чиндан-да буюк инъом, муқаддас неъматдир. У ниҳоятда беқиёс тарихий аҳамиятға эға. Ватанимиз байроғининг бугунги кунда БМТ пештоқида ҳилпираб тургани, республикамиз ўз гербига эға эканлиги, давлат тили макорамига эға бўлган ўзбекнинг ўз она тилида мадҳияси жаҳон спорт ареналарида янграётгани, қолаверса, юртимизда галла ва ёнилги мустақиллигиға эришилгани, бахтимиз қомуси — Конституциямизда бутун ҳақ-ҳуқуқимиз муҳрлаб қўйилганлиги Истиклол неъматидир. Ҳа, мустақиллик ор-но-мусимиз, фахру гуруримиз, виждон ва иймонимиздир.

Жараён

Холислик ва ҳозиржавоблик

матбуотимизнинг ҳаётий шиорига айланиб борапти

« Давоми. Боши 1-бетда

Бу бежиз эмас. Бугунги оммавий ахборот воситалари халқимизнинг ишончига сазовор бўлди. Уларнинг қувончига шерик, ташвишга юпанч бўла олди. Бунда, албатта, журналистларнинг, ижодкор аҳлининг хиссаси катта. Зеро, одамлар орасида ОАВга бўлган ишонч журналистларнинг тинимсиз меҳнати, изланишлари, энг муҳими, адолатпарварлиги туфайли шаклланди.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари, энг аввало, оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, одамлар онгини ўзгартирмасдан туриб ислохотларда ўзгариш қилиб бўлмайди. Бу миллий матбуотимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир, қолаверса, давр талабларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиши, кишилар онги ва тафаккурини бойитиш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш учун барчамиз бирдек жавобгармиз. Бугун ахён-ахёнда четдан туриб юртимизга турли бўҳтонлар ёғдирилаётган бир пайтда журналистларимиз уларнинг бу чиқишларига қарши ҳозиржавоблик билан ўткир, мазмундор мақолалар тайёрлай бошлаганликларининг ўзи матбуотда силжиш бўлаётганидан далолатдир.

Шунингдек, Интернетда Ўзбекистон ҳақидаги веб-сайтлари янада кўпайтириб, хорижликларни биздан ахборот олишига ўргатишимиз, юрти-

мизнинг ахборот оламида етакчи бўлишини таъминлашимиз лозим. Бунинг учун эса ижодкор ёшларни, бошловчи журналистларни энг янги, мукамал технологиялар билан қуролантириш, уларнинг малакасани ошириш, сиёсий воқеаларга ўта зийрак ва юксак муносабатда тарбиялаш, керак бўлса, чет элик матбуотчилар билан беллаша оладиган рақобатбардор ахборот воситаларига эга бўлиш талаб этилади. Асосий хулоса биз журналистлар ҳаммаша ҳушёр бўлишимиз, ҳар қандай мафкуравий хуружларга муносиб зарба беришга тайёр турмоғимиз керак.

Яна бир гапни айтишни истардим, мамлакатимизда журналистларга етарлича шарт-шароитлар яратилган. Қолаверса, ОАВ фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизимнинг яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб ва бундай ишлар изчил давом эттирилаётгани, улар учун янги имтиёз ва преференциялар бериш кўзда тутилаётгани ОАВнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, соҳада меҳнат қилаётган ишчи ва ходимларнинг моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, ОАВ ходимлари бугун озод сўзнинг қадрини яхши билладиган, бир чеккада қўл қовуштириб турмайдиган, керакли жойда ўз фикрини даядил айта оладиган касб эгаларидирлар. Бизга ҳаётимизда фахру гурур қилишга арзийдиган ўзгаришларни халққа бекаму кўст, аниқ, тезкорлик билан етказиш топширилган экан, бу вазифани адо этишдан чарчамайлик.

Матбуот — жамият кўзгуси

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти
Кенгаши матбуот хизмати.

Сиёсий партияларнинг фаолиятини кенг ёритишда, албатта, оммавий ахборот воситаларининг хизматлари бекиёсдир. Айниқса, партияларнинг Қурултойлари, Конференциялари, Пленумлари, Кенгаш йиғилишлари ва бошқа оммавий тадбирлари тарғиботини ОАВлар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва сайловлар жараёнида ҳам оммавий ахборот воситалари партияларнинг қаноти бўлади, десак муболаға бўлмас.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши ҳам воситалари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, уларда партия томонидан ўтказилаётган йиғилиш, учрашувлар, тадбир ва мулоқотлар тезкор тарзда ёритилиб, омма эътиборига ҳавола қилинмоқда.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» муносабати билан вилоят партия Кенгаши ташаббуслигида «Хоразм» телерадиокомпанияси, «S — Икбол», «8 — канал Комилат» телерадиокомпанияси, «Хоразм ҳақиқати», «Хоразмская правда», «Хоразм маърифати», «Хоразм

зиёкори» газеталари тахририятлари иштирокида «Оммавий ахборот воситалари — жамият кўзгуси» мавзусида байрам тадбирлари уюштирилди. Тадбирларда партия ҳаётида ОАВнинг ўрни ва роли, журналистларнинг фидойий хизматлари хусусида илиқ фикрлар билдирилди.

Партиянинг вилоят Кенгаши билан яқин ҳамкорлиги, шунингдек, партиянинг сиёсий, ижтимоий соҳалардаги фаолиятини кенг ёритишдаги алоҳида хизматлари учун телевидение ва газета хонадилари ҳамда партиянинг фаол аъзоларидан бир гуруҳи қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

уни таъминлашда ОАВ алоҳида аҳамият касб этади

Давра сўхбати

Шоҳида ДАМАНОВА,
«Адолат» мухбири.

Қонуни устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга иттифоқчилик ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг энг муҳим шарт ҳисобланади. Бугунги кунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — ҳуқуқий давлатни барпо этиш, шунинг баробарида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, айнан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали халқни демократик янгиланишлар ва ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш мумкин. Бундан кўзланган мақсад эса жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун шароит яратишдан иборатдир. Шубҳасиз, ана шу эзгу мақсадларга фуқаролар онгига кучли таъсир эта оладиган оммавий ахборот воситаларисиз эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят фракцияси томонидан ташкил этилган «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусидаги давра сўхбатда ҳам худди шу хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Адлия вазирлиги, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоци-

ацияси, ахборот агентликлари масъул ходимлари, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят Кенгашлари матбуот хизмати раҳбарлари иштирок этган давра сўхбатига таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган дастурий маърузасида «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият

даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклиги кўрсаткичидир...», — деб қайд этиб ўтган эди.

Дарҳақиқат, жамият ривож ва ислохотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан белгиланади. Айни пайтда шахснинг сиёсий фаоллиги, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ила ёндашуви, унга риоя этиши ва ҳимоя қилиши, демократик ислохотларга мойиллиги жамиятнинг демократлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш бўйича белгиланган мақсадларга эришишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Давра сўхбати иштирокчилари қайд этганларидек, ҳуқуқий мавзуга оид кўпгаб журнал ва газеталар кўпнинг адаб билан наشر этилаётгани, телерадио эшитириш ва кўрсатувлар тайёрланаётгани, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий асослари ўрганилишининг йўлга қўйилгани жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва уни янада юксалтиришда ижобий самара бермоқда. Дарҳақиқат, бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усул ва воситалари тўғрисида билли олишга кўмаклашадиган демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришга ёрдамлашадиган. Бундай давлатда эса Конституция ва қонулар устуворлиги таъминланиб, инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади, аҳолининг эртанги кунга ишончи ортиб боради.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини таъминлашда ва ҳимоя қилишда бевосита мутасадди органлар ходимларининг ҳуқуқий

маданиятини ўстириш ўта муҳим масала ҳисобланади. Зеро, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни ва уни тараққий эттиришни халқпарвар, жисмонан соғлом, касбига садоқатли, юксак маънавият ва маданият соҳиб бўлган инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Эркинлик, адолатлилик ва бирдамлик ғояларини илгари сураётган «Адолат» СДП ҳам ижтимоий адолатга, қонуни устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган, ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бемалол амалга оширадиган ҳуқуқий давлат қурилишидан манфаатдорлиги боис жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим роль ўйнаётган оммавий ахборот воситалари ва ахборот соҳасини ислохот этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчиликни тақомиллаштириш масаласига устувор вазифа сифатида қарамоқда.

— Партияимиз сайловолди дастурининг асосий йўналишларидан бири «Инсон манфаатлари — энг олий қадрият» деб номланган бўлиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотларни ривожлантиришни келгусида ҳам кўллаб-қувватлаш мақсади борлиги ва бу борада аниқ йўналишлардаги вазифаларни амалга ошириш кераклиги белгиланган, — деди фракция аъзоси А.Раҳмонов.

— Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ижтимоий адолат партияимиз бoш ғояси эканлигидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилиниши ва таъмин-

ланиши каби масалалар устувор йўналишларимиздан ҳисобланади. Шубҳасиз, олдинда турган мақсадларга оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокисиз эришиб бўлмайди. Зеро, матбуот ва ОАВ фуқароларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганини ёритувчи бир кўзгудир.

Шунингдек, тадбирда, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғулмомов инсон ҳуқуқларини таъминлашда ёш журналист кадрларни тайёрлаш масаласига тўхтади:

— Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилан, модернизация ва ислохот этиш учун кишиларнинг онгини ўзгариш, уларни эркин фикрлаш ва ҳар бир ходирга мустақил муносабат билдиришга ўргатиш зарур. Бу вазифани амалга ошириш, асосан, оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият олиб бораётган журналистларимиз зиммасига тушади. Ана шундай кўникмани ўзида тўлиқ шакллантирган журналистгина бошқаларни ҳам шунга тайёрлай олади. Шунинг учун кадрлар тайёрлашда масаланинг шу жиҳатларига ҳам эътиборни қучайтиришимиз керак, — деди жумладан нотик.

Давра сўхбати натижалари бўйича инсон ҳуқуқий маданиятини шакллантириш соҳасида аниқ тақдир ва тавсиялар белгиланган олинди. Бундай тадбирлар ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқ ва маданияти концепциясининг хусусиятлари, мазмуни ва моҳиятини тушутиришга кўмаклашиши юзасидан иштирокчилар яқдил фикр билдирдилар.

Англаб бўлмас мақсад

ёхуд бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон фуқароларига кечаги кун нуқтаи назаридан боқманг

Муносабат

Акмал САМЕДЖАНОВ,
Халқ депутати

Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси.

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг эркин фаолияти учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилди. Бунинг чуқур англаб етган сиёсий партияларнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдек, ўта муҳим жараёнда фаол иштирок этаётганлари ўз тарафдорлари манфаатини ҳимоя қилишлари, бу йўлда ўз дастурий ва ғоявий мақсадларини илгари суриб, соғлом рақобат, баҳс-мунозарарга киришганликлари бунинг ёрқин исботидир.

Бу яхши, албатта. Бироқ «гўшт суяксиз, гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, матбуотда эълон қилинаётган баҳс-мунозара руҳидаги мақолаларнинг ҳаммасини ҳам асосли ва мантиқли, деб бўлмайди. Хусусан, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2011 йил 23 июнь сонидagi «Баҳс-му-

нозара асосли ва мантиқли бўлса» сарлавҳали мақоласи яна бир бор ана шундай хулоса чиқаришимизга сабаб бўлди.

Ваҳоланки, партиялараро юзаки, асоссиз баҳс юритиш, мантиқсиз даъволар ҳамон давом этаётганидан нолётган ЎзХДП вакилларининг рақибига менсимай

қараётгани, сон кетидан қувиб сифатни унутаётгани мақолаларда йўл қўйилаётган кўпол хатоларда ҳам яққол кўриниб қолмоқда.

Масалан, муаллиф Мубораххон Якубова (ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот-услужият маркази мудири) Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон «Адолат» СДП ташкилоти деярли фаолият юритмаётганлигини таъкидлайди. У ҳам майли, Чирчиқ шаҳри аҳолисининг аксарияти бундай партия борлигидан бехабарлигини тилга олиши, шаҳар фуқароларининг сиёсий саводхонлиги даражаси пастми, деган саволини тугдирмайди? Шу нуқтаи назарда марказ мудирига «тадиқоти» чирчиқликларга нисбатан ёғдирилган тухмадан бошқа нарсасиз эмас, деб баҳоланса тўғрироқ бўларди.

Эътиборингиз учун, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти ҳамда Чирчиқ шаҳар Кенгашлари доимий алоқада. Қолаверса, шаҳар партия ташкилоти вилоят Кенгашининг энг фаол бўғинларидан бири саналади.



Жорий йилнинг ўзида Чирчиқ шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари иштирокида бир-неча бор тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди. Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти ҳамда Чирчиқ шаҳар Кенгашлари ҳамкорлигида Белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Шу йилнинг 6 май санасида партия фракцияси аъзолари иштирокида шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳар тиббиёт коллежида «Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш — соғлом жамият кафолати» мавзусида давра сўхбати ташкил қилинди. 11-20 май кунлари Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси шаҳардаги 8 та коллеж ва академик лицейларда бўлиб, Юртбошимизнинг Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда фаол иштирок этишди. Депутатлик гуруҳининг ўзи 2010 йил ва 2011 йилнинг биринчи чораги давомида сайловчилар муурожаатлари асосида ва партия сайловолди дастури ижроси бўйича 80 га яқин депутатлик сўрови билан чиқишган. Буларнинг барчаси ўзбек тилидаги «Чирчиқ тонги» ва рус тилидаги «Чирчиқ» газеталарида кенг ёритилиб келинмоқда.

Буларнинг бари мақола муаллифи Мубораххон Якубованинг даъволари асосида ва мантиқсиз эканлигининг яна бир исботидир. Ваҳоланки, бугунги кунда республикамизнинг исталган нуқтасига бориб, мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, сиёсий партиялари ҳақида сўрасангиз, аксинча, уларнинг аксарияти сизга етарлича маълумот бера олади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон фуқароларига кечаги кун нуқтаи назаридан боқманг.

Биз муаллифнинг қанчалик ҳақ эканлигини янада аниқлаштириш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги «Адолат» маҳалласи раиси, Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати Майрам Даминова ҳамда шаҳардаги «Хумо МФЙ» котиби Фотима Насриддинова билан сўхбатлашдик. Иккала сўхбатдошимиз ҳам гарчи ХДП вакиллари бўлсалар-да, мақола муаллифи билан сўхбатлашиш у ёқда турсин, хатто уни яхши танимасликларини рўй-рост айтишди. Ва ўз партиядошларининг бундай асоссиз ёндашувидан (уларнинг номидан гапиришдан) қаттиқ ранжишди. «Адолат» СДП Чирчиқ шаҳридаги вакиллари билан айрим масалаларда ўзаро ҳамкорликларини, ҳамфикрликларини бирма бир эслаб, бундай ёлғон даъволардан ёқа ушлашди. Биз эса «Ўзбекистон овози» газетасида босилган мақолада келтирилган даъволар пучлиги учун уларнинг ўз қўллари билан ёзиб берган раддияномаларини асл ҳолича чоп этишни маъқул топдик.

Партиялараро юзаки, асоссиз баҳс юритиш, мантиқсиз даъволарни ким давом эттираётганликларини зора энди ЎзХДП вакиллари англаб етишса.





Истиқлол фарзандларининг «ОЛТИН»лари

Эътироф

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Adolat» мухбири.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг жисмоний турбия ва спорт турлари билан шуғулланишлари учун қўлиб шарт-шароит яратиш каби жараёнларга алоҳида эътибор қаратилди. Деярли ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллада спорт секциялари фаолият кўрсата бошлади, ўғил-қизларимиз қалбида спортга бўлган меҳр уйғона бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ, халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғининг кўтарилиши, умидли ёшларимизнинг хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган мусобақалардан шоша-шоша медаллар билан қайтишлари анъана тусини олди.

Куни кеча Жанубий Кореяда қаратб бўйича бўлиб ўтган халқаро турнир ҳамда унда иштирок этган ҳамюртларимизнинг қайд этган натижалари фикримизга яққол далил бўла олади.

Korea Open International Karatedo Championshipда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ёш спортчиларимиз 6 та (3 олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза) медалга сазовор бўлдilar.

2002 йил Осиё ўйинларини қабул қилган Пусан шаҳрида ташкил этилган муфозил мусобақада Россия, Хитой, Эрон, Гонконг, Камерун, Япония каби 20 га яқин мамлакатдан келган, шунингдек, маҳаллий яққаурашчиларга муносиб қаршилик кўрсатишга эришган ёш спортчиларимиз — Абдулло Рахулов ва Мухаммадали Раҳматуллаев кумите баҳсларида барча рақибларини енгиб, олтин медаллар билан тақдирланган бўлсалар, Абу-бакир Садриддинов ката, яъни кўргазмали чиқиш беллашуварларида ўз вазн тоифасида тенгсиз эканини исбот этди. Бундан ташқари, кумите баҳсларининг финалига қадар ҳеч қанга имконият бермаган Достонбек Тошметоврога охириқабат кумуш медалга эришган бўлса, Раҳим Бекжон — Зариф ҳамда Тохир Ирисалиевлар ката йўналишида биттадан бронза медалларига сазовор бўлдilar.

Ўзбекистон қаратб федерацияси вице-президенти Фозил Худойназаров раҳбарлигидаги делегацияни қўлиб олиш учун Тошкент халқаро аэропортида спортчиларнинг яқинлари, федерация мутасаддилари ҳамда

оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдilar.

— Чемпионатнинг кўп сонли мезбонларига муносиб қаршилик қилиш осон бўлмади, албатта. Шунга қарамай, мусобақа давомида Мухаммадали Раҳматуллаев ҳамда Абдулло Рахулов каби шогирдларимиз яна бир бора тенгдошлари орасида етакчи эканларини исбот эта олдилар, — дейди Ф.Худойназаров. — Мухаммадали кутилганидек, кумите, яъни яккама-якка беллашувар баҳсларида рақибларига ҳеч қандай имконият бермаган ҳолда хошхушга кўтарилган бўлса, кўргазмали чиқиш — катада биринчи ўринни эгаллашнинг мақсад қилган Абдулло Рахуловнинг кумите жангаларига сарфлашга ҳаракат қилди. Ва, натижада, кетма-кет галабаларга эришиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Аксарият шарқ яққаураш турлари, жумладан, қаратб билан шуғулланган инсон ўзини ҳам жисмонан, ҳам руҳан текис қилишини, шунинг учун ҳам ката машқларини бажариш жону-дили эканини маълум қилган Абдулло Рахулов Жанубий Кореяда бўлиб ўтган беллашуварларда, айниқса, гонконглик тенгдоши устидан қозонилган галабани жуда катта қийинчилик билан қўлга киритганини таъкидлади.

— Спорт билан етти ёшдан шуғулланган келаман. Ўтган йили Ўзбекистон чемпионатида голибликни қўлга киритганим учун мураббийлар мени Сингапурда бўлиб ўтган халқаро турнирга олиб кетишга



қарор қилгандилар. SMI CUP деб номланган мазкур мусобақада 3-ўринни бақд этгандим. Бу гал олтин медал билан тақдирландим. Финалга Россиялик, корейлик ва эронлик спортчиларни енгиб чиққан бўлсам, энг оғир кечган халқуливуни учрашувда гонконглик тенгдошимдан устун келдим, — дейди Абдулло Рахулов. — Чемпионатни хошхушасида туриб Ватанимизнинг мадҳияси янграган вақтда орузларини ушалаётганлигидан бениҳоя шод бўлдим. Ўзбекистоннинг фарзанди эканлигимдан фахрландим. Кўзимда қувонч ёшларни қалқиди. Албатта, мен ва мен каби тенгдошларимнинг галабасига Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, баркамол авлод тарбиясига берилаётган эътибор сабаб бўлаяпти, деб ўйлайман. Айнан давлатимиз раҳбарининг Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига раҳбарлик қилаётганлари ҳам ёш авлоднинг халқаро аренада улан муваффақиятларини қўлга киритишининг гаровидир. Ўз олдимга келажакда Осиё ва жаҳон чемпионатларида голибликни қўлга киритишни, кейинчалик эса устозларимга ўхшаб тажрибали мураббий бўлиб етишишни мақсад қилиб қўйганман.

— Биз ҳам ёшлигимизда ана шу спорт турлари билан шуғулланишни, халқаро мусобақаларда иштирок этишни

хоҳлардик. Аммо у пайтларда ҳозиргидек шароитлар тушимизга ҳам кирмаган. Бугун эса келажакимиз ворислари учун ҳамма нарса муҳайё. Шу сабабли, табиатан юмшоқ хатти-ҳаракатга эга бўлган фарзандларимизда қатъиятчилик, қаттиққўллик, галабага бўлган иштиёқ каби хислатларни уйғотиш мақсадида уларни спорт тўғралигида беришга қарор қилдим, — дейди ёш чемпионнинг отаси Нозим Рахулов. — Аввалига бироз қийналган катта ўғлим Абдулло кейинчалик машқларга шу даражада кизиқиб кетди-ки, оқибатда ҳафта давомида уч маротаба ташкил этиладиган машғулотларга баъзида, айниқса, мусобақалар арафасида беш марта борадиган бўлди. Тўғри, спорт фақат галабалардан иборат эмас. Шу сабабли ёш спортчиларнинг ота-оналарига ҳар доим, яъни энгилганда ҳам, голиб бўлганда ҳам фарзандлари олдида бўлишни маслаҳат берган бўлардик.

Ишончимиз қомилки, бундай турнирларда қўлга киритилган ютуқлар ёшларимизни янада каттароқ галабалар сари етаклайди. Зеро, кўп ўтмай, улар шарафига мақолалиқ байроғимиздан бири айтганидек, Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам миллий байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграши мўқаррар!



Абдулла МАМАСОДИҚОВ.

Мексика «яшил майдонлари»да бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионати тобора ўзининг ҳал қилувчи палласига кириб бормоқда. Биз учун энг муҳими ва қувонарлиси шуки, кичик мундиалда илк бор қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси мусобақадаги зафарли иштирокини давом эттирмоқда.

Ўсмирларимиз чорак финалда!

Хабарингиз бўлса, ёш футболчиларимиз бундан бир неча кун олдин гуруҳ босқичи учрашувларини муваффақиятли яқунлаб, «плей-офф» йўлланмасини қўлга киритганди. Куни кеча Австралия ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказилган ўйинда вакилларимиз ишонарли галабага эришдилар. Ўйиннинг 11-дақиқасида Асилжон Мансуров майдон марказида тўпни рақибдан олиб қўйиб, Аббос Махталиевни тўп билан таъминлади. Жамоа сардори дарвозабон билан бирга-бир вазиятда аниқ зарба билан ҳисобни очди — 1:0! Бу голдан сўнг рақиб жамоа ҳисобни тенглаштириш учун астойдил ҳаракат қилди. Аммо футболчиларимизнинг ҳамжихатлик билан тўп суришлари бунга йўл қўймади. Аксинча, биринчи бўлим яқунланишига 5 дақиқа қолганда Темур Ҳақимов гол муаллифига айланди — 2:0.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида ҳам «яшил китба» вакиллари ўз дарвозаларидан иккита тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Шу тариқа, яқуний ҳисоб йирик (4:0) кўриниш олди.

Кези келганда мамнуният билан эътироф этиш жоизки, терма жамоамиз ўйини техник-тактик жиҳатдан тобора такомиллаштириб бораётти. Футболчиларимиз майдонда ўзига ҳос ишонч билан тўп суришмоқда. Бу эса вакилларимизнинг кичик мундиалда янада муваффақият билан қатнашишларига умид уйғотади.

Жаҳон чемпионатлари тарихида дебют қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бу борада бир қатор реалли яқунлаб, «плей-офф» йўлланмасини қўлга киритганди. Куни кеча Австралия ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказилган ўйинда вакилларимиз ишонарли галабага эришдилар. Ўйиннинг 11-дақиқасида Асилжон Мансуров майдон марказида тўпни рақибдан олиб қўйиб, Аббос Махталиевни тўп билан таъминлади. Жамоа сардори дарвозабон билан бирга-бир вазиятда аниқ зарба билан ҳисобни очди — 1:0! Бу голдан сўнг рақиб жамоа ҳисобни тенглаштириш учун астойдил ҳаракат қилди. Аммо футболчиларимизнинг ҳамжихатлик билан тўп суришлари бунга йўл қўймади. Аксинча, биринчи бўлим яқунланишига 5 дақиқа қолганда Темур Ҳақимов гол муаллифига айланди — 2:0.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида ҳам «яшил китба» вакиллари ўз дарвозаларидан иккита тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Шу тариқа, яқуний ҳисоб йирик (4:0) кўриниш олди.

Кези келганда мамнуният билан эътироф этиш жоизки, терма жамоамиз ўйини техник-тактик жиҳатдан тобора такомиллаштириб бораётти. Футболчиларимиз майдонда ўзига ҳос ишонч билан тўп суришмоқда. Бу эса вакилларимизнинг кичик мундиалда янада муваффақият билан қатнашишларига умид уйғотади.

Жаҳон чемпионатлари тарихида дебют қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бу борада бир қатор реалли яқунлаб, «плей-офф» йўлланмасини қўлга киритганди. Куни кеча Австралия ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказилган ўйинда вакилларимиз ишонарли галабага эришдилар. Ўйиннинг 11-дақиқасида Асилжон Мансуров майдон марказида тўпни рақибдан олиб қўйиб, Аббос Махталиевни тўп билан таъминлади. Жамоа сардори дарвозабон билан бирга-бир вазиятда аниқ зарба билан ҳисобни очди — 1:0! Бу голдан сўнг рақиб жамоа ҳисобни тенглаштириш учун астойдил ҳаракат қилди. Аммо футболчиларимизнинг ҳамжихатлик билан тўп суришлари бунга йўл қўймади. Аксинча, биринчи бўлим яқунланишига 5 дақиқа қолганда Темур Ҳақимов гол муаллифига айланди — 2:0.



? **ҲУҚУҚИЙ**
МАСЛАХАТХОНА

Васиятнома бўйича ворислик деганда нимани тушуниш лозим.

М.КЕНЖАЕВА,
Е.ХУДОЙҚУЛОВ,
Қарши шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси ходимлари.

Ҳар қандай фуқаро ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ёки мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасаруф этиш ҳақида ҳоҳиш-иродада ифода этиши васият деб аталади.

Васиятномалар вакиллар орқали тузилишига йўл қўйилмайди, улар шахсан васиятнома тузувчи томонидан тузилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига «Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир

неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин» деб кўрсатилган.

Қонунчилигимизда, васиятномаларнинг шаклига доир қўйидаги қоидалар амал қилмайди, биринчидан, васиятнома ёзма шаклда тузилган бўлиши керак, иккинчидан, васиятномада унинг тузилган жойи ва вақти кўрсатилган бўлиши керак.

Ёзма шаклдаги васиятномада васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши керак. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномени ўз қўли билан имзолай олмас, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномени тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлган



Ўтказилган кичик мундиалда ўз гуруҳида учинчи ўринни эгаллаган ҳолда нимчорак финалга йўлланма олган ва ўша босқичда Перу ўсмирларига имкониятни бой бермаган. Вакилларимиз эса аввалига Тожикистон терма жамоаси натижасини такрорлаган бўлса, куни кеча қўлга киритилган галаба МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари терма жамоалари орасида энг яхши кўрсаткичга айланди. Қолаверса, шу кунгача бирор-бир ёшдаги терма жамоамиз жаҳон чемпионатида бу каби муваффақиятли иштирок этмаган.

Дарвоқе, терма жамоамизнинг чорак финалдаги рақибини ҳам маълум бўлди. Уругвайлик ёш футболчилар Африка вакили — Конго терма жамоаси билан ўйинда 2:1 ҳисобида галаба қозонди. Демак, Алексей Евстафеев шогирдлари 3 июль кунини Уругвайга қарши майдонга тушадилар. Ушбу ўйинда футболчиларимизга омад ёр бўлишини тилаймиз.

Қолган чорак финал учрашуварларида эса қўйидаги натижалар қайд этилди: Япония — Янги Зеландия — 6:0, Бразилия — Эквадор — 2:0.

нида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Қўйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномени имзоланиши мумкин эмас:

Нотариус ёки васиятномени тасдиқловчи бошқа шахс;

Васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти оқлатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неварра чеварлари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

Тулиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган;

Саводсиз ёки васиятнома ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

Ёлғон гувоҳлик берганлиги учун муқаддам судланган шахслар;

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномени васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланиши мумкин.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассасе: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр умун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва партамент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро алоқалар бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Ф. ЭСОНОВ.
Навбатчи — И. САХАТОВ.

«Adolat»-дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru
t — Тижорат мақола белгиси.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ 100

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 700. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А-2. Адади — 3948. Босишга топириш вақти — 21.00. Босишга топирилди — 21.30

1 2 3 5

Лоқайд ва эҳтиётсиз бўлманг!

Улуғбек Тўраев,
Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ЕҲБ 12-ХЕҲО инспектори, кичик сержант.

Оловни бежизга тилсиз ёв деб атамайдилар. Негаки, оловга нисбатан эҳтиётсиз муносабат, лоқайдлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик аксарият ҳолларда нохуш оқибатларга олиб келади. Ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилиги фуқароларнинг яшаш жойларида содир бўлади. Бунга асосий сабаб — кишиларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари, бошқача айтганда, эътиборсизликларидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ўт-олов ёниб турган жойда асло лоқайдликка, бепишандликка берилиб бўлмайди. Шу боис, соҳа ходимлари томонидан аҳоли яшаш жойларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, ижтимоий-маданий муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

қаратилган самарали профилактик ишларни ташкил этиш мақсадида муайян тадбирлар олиб борилмоқда. Аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли турар-жойларида, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида турли учрашувлар ўтказилмоқда. Айниқса, халқ таълими муассасалари — мактаблар ва болалар боғчаларида ташкил этилаётган бундай тадбирлар маъму-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар Сергели туман ҳокимияти томонидан 04.10.2010 йилда № 002751 сон билан рўйхатга олинган «SHUKRATJON OBIDJON» хуусий корхонасига тегишли муҳр ва штамп йўқолиши сабабли **БЕК ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши ҳамда «Адолат» ижтимоий сийсий газетаси тахририяти жамоаси Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Имомжон Самиевга волидаи муҳтарамаси **САНОБАБ** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.